

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**СУЛТАНОВ ТУЛКИН ИРГАШЕВИЧ**

**АЛИШЕР НАВОЙИ ВА ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИ: ТАРИХИЙ  
ИЛДИЗЛАР, АНЪАНАЛАР, ВОРИСИЙЛИК  
(КИШВАРИЙ ВА СОДИҚИЙ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

УЎК: 821.512.13  
КБК: 83.3(5)  
С-96

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Султанов Тулкин Иргашевич**

Алишер Навоий ва озарбайжон адабиёти: тарихий илдизлар, анъаналар,  
ворисийлик (Кишварий ва Содикий асарлари мисолида) ..... 3

**Султанов Тулкин Иргашевич**

Алишер Навои и азербайджанская литература: исторические корни,  
традиции, преемственность (на примере произведений Кишвари  
и Содики) ..... 25

**Sultanov Tulkin Irgashevich**

Alisher Navoi and azerbaijan literature: historical roots, traditions and heritage (on  
the examples of works of Kishvari and Sodiki) ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 54

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**СУЛТАНОВ ТУЛКИН ИРГАШЕВИЧ**

**АЛИШЕР НАВОЙЙ ВА ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИ: ТАРИХИЙ  
ИЛДИЗЛАР, АНЪАНАЛАР, ВОРИСИЙЛИК  
(КИШВАРИЙ ВА СОДИҚИЙ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Fil348 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Салоҳий Дилором Исомиддин қизи**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳаққулов Иброҳим Чориевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Халлиева Гулноз Искандаровна**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.П. Содиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., профессор

**Б. Тўхлиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида Алишер Навоий ижодини ўрганиш қарийб олти юз йиллик тарихга эга бўлиб, бу давр мобайнида Шарқ ва Ғарб мамлакатларида навоийшуносликка доир кўплаб асарлар яратилди ҳамда улуғ шоир ва мутафаккир илмий-ижодий меросининг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни баҳоланди. Адибнинг адабий мероси орасида туркий ғазаллари ва «Мажолис ун-нафоис» тазкираси ҳам жаҳон маданияти ва адабиётининг буюк обидалари эканлиги асослаб берилди. Навоий ижодининг жаҳон тамаддунидаги ўрнини аниқлаш, шоир адабий меросининг хорижда ўрганилиши, ўзбек мумтоз адабиётининг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш вазифаси Алишер Навоий асарларининг Нейматуллоҳ Кишварий ва Содиқбек Афшор Содиқий мисолида озар шоирлари ижодиётига таъсири масалаларини ёритиш заруратини юзага келтиради ҳамда мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Дунё адабиётшунослигида XXI асрда Алишер Навоий асарларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш худуди кенгайди. Илмий жиҳатдан такомиллашиб бораётган адабий йўналишда тарихий поэтика тажрибаларини жаҳоншумул ижодкорлар асарларига уйғун татбиқ этиш, уларни композиция, сюжет, бадиий образ поэтикаси нуқтаи назаридан ўрганиш долзарб масалага айланди. Мутафаккирнинг адабий-илмий ғоялари таъсирида Кишварий ва Содиқий каби озар шоирлари томонидан навоиёна услубда яратилган тахмис, тазкира ва назираларни бугунги кун талаблари асосида қиёсий тадқиқ этиш ҳам адабиётшунослик фани олдида ечимини кутаётган долзарб масалалардан саналади. Қиёс ҳақида гапирганда, Д.Дюришин «Қиёслашсиз – ҳатто бир миллий адабиёт доирасида бўлса ҳам – жараён динамик ўсишини, адабий таъсир ва анъаналар алмашинувини, бадиий мерос худудларини тушуниш ниҳоятда қийин»<sup>1</sup>, – дейди.

Истиклол йилларида Алишер Навоийнинг туркий ва форсий тилдаги лирикаси, инсонпарварлик ғояларини тарғиб этувчи эпик шеърятини ўзбек адабиётшунослигида атрофлича ўрганилган бўлса-да, шоир адабий меросининг озарбайжон шоирлари ижодига таъсири тадқиқи етарлича изчиллик билан амалга оширилмади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Алишер Навоий бобомиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ул зотнинг табаррук меросини ўрганиш, ёш авлодимизга безавол етказиш»<sup>2</sup> барчамизнинг бурчимиздир. Шу туфайли Алишер Навоий адабий меросининг Озарбайжонда ўрганилиши, шоир ғазалларининг Нейматуллоҳ Кишварий шеърятига таъсири, Содиқбек Афшор Содиқий ижодида Навоий анъаналарини замонавий илмий тамойиллар асосида тадқиқ этиш ўзбек адабиётшунослиги олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-

<sup>1</sup> Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – Москва: Прогресс. 1979. – С. 5.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк келажегимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 113.

2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги 292-сон «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари, Алишер Навоий ижодининг озарбайжон мумтоз адабиётига таъсири ва адабий меросининг Озарбайжонда ўрганилиши каби масалалар И.Ҳаққулов, Д.Салоҳий, М.Шарипов, Р.Қобулова, Н.Али, Б.Чўбонзода, М.Салмон, О.Маммад, Ҳ.Арасли, Р.Эйвазова, О.Серткая, Ж.Нағиева, Қ.Алиев, А.Улвий, А.Зиятай, Ж.Демиржи, П.Каримов, А.Эркинов каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган<sup>3</sup>.

Алишер Навоий асарларининг Нейматуллоҳ Кишварий ва Содиқбек Афшор Содиқий ижоди мисолида озарбайжон адабиётига таъсирининг

<sup>3</sup> Ҳаққулов И. Навоийга қайтиш. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – 197 б.; Салоҳий Д. Мутафаккир ва мумтоз шеърят. Икки жилдлик. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2018. 1–2-ж.; Шарипов М. Навоий ва адабий алоқалар. – Тошкент: Фан, 1968. – 251 б.; Кабулова Р.В. Традиции «Маджалис ун-нафаис» Алишера Навои в тюркоязычной литературе (на материале антологии Садикбека Садика «Маджма ул-хавас»): дисс. канд. фил. наук. – Ташкент, 1979 – 174 с.; Əli N. Əlişir Nəvai və biz // Kommunist. – Bakı, 1925, 19 oktyabr. – S. 4-6; Çobanzadə B. Nəvai – dilçi // Kommunist. – Bakı, 1926, 4 mart. – S. 1-3; Salman M. Əmir Əlişir Nəvai // Yeni yol. – Bakı, 1926, 4 mart. – S. 5-6; Məmməd A. Əlişir Nəvai // Kommunist. – Bakı, 1948, 15 may. – S. 45-47; Araslı H. Nəvai və Azərbaycan ədəbiyyatı // Araslı H. Azərbaycan ədəbiyyatı: tarixi və problemləri: (seçilmiş əsərləri). – Bakı, 1998. – S. 660-675; Eyvazova R. Kışverî Divanı'nın Dili (Morfoloji Hususiyetleri). – Bakı, 1983. – 140 s.; Sertkaya O. Azərbaycan şairlerinin çağatayca şiirleri (3): Ni'metullâh Kışverî'nin Doğu (Çağatay) Türkçesi ve Batı (Osmanlı) Türkçesi ile nazireleri // Türk Dili ve Edebiyatı Dergisi. – İstanbul, 2011. – № XLI – S. 67-90; Nağıyeva C. Nevai ve Azərbaycan edebiyatı: dokt. diss. avtoref. – Bakı, 1986. – 51 s.; Бакинские рукописи Алишера Навои. – Баку: Элм, 1986. – 142 с.; Azərbaycanca Nəvai. – Bakı: Tural-Ə, 2001. – 264 s.; Навои и азербайджанская литература XV-XVIII вв. – Ташкент: Фан, 1990. – 134 с.; Əliyev Q. Azərbaycan-özbək ədəbi əlaqələrinə dair // Azərbaycan. – Bakı, 1964. № 10. – S. 107-117; Ülvi A. Dahi Nəvai və Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığı // Filologiya məsələləri (AMEA Füzuli adına Əlyazmalar İnstitutu). – Bakı, 2007. № 6. – S. 427-436; Azərbaycan-özbək (çigatay) ədəbi əlaqələri (dövlər, simalar, janrlar, təmayüllər). – Bakı: Qartal, 2008. – 326 s.; Əlişir Nəvai Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında (Məqalələr toplusu). – Bakı: Qartal, 2009. – 460 s.; Ziyatay Ə. Böyük şair (Nəvainin əsərlərinin tərcüməsi haqqında) // Ədəbiyyat və incəsənət. – Bakı, 1980, 30 may.-S. 4-6; Demirci J. Nevâyî'nin Azərbaycan Sahasına Etkisi // Fəkülte Dergisi, Dil ve Tarih-Coğrafiya Fəkültesi. – Ankara, 1998. № 1-2. – S. 1-11; Azərbaycan şairi Kışverî'nin Nevâyî şiirlerine yazdığı təhmislər // Ankara Üniversitesi Dil ve Tarih-Coğrafiya Fəkültesi Türkoloji Dergisi. – Ankara, 2010. № 17. – S. 45-55; Kerimov P. Ali Şir Nevayî ve XVII. yüzil Azərbaycan lirik şiiri // Türkiyat araştırmaları. – Ankara, 2009. – № 10. – S. 57-67; Эркинов А.С. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. № 1. – Б. 10-18.

муфассал тадқиқи хануз кун тартибида турган бўлса ҳам, бу борада айрим илмий ютуқларга эришилган. Жумладан, Озарбайжонда навоийшунослик фаолияти 1902 йилда Боғчасаройда Алишер Навоий қаламига мансуб «Муҳокамат ул-луғатайн» асарининг Исмоил Гаспиринский томонидан араб алифбосидаги озарбайжон тилида китоб ҳолида нашр этилиши билан бошланди<sup>4</sup>.

Айниқса, 1926 йил 5 мартда Бокуда ўтказилган туркологлар қурултойида Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилеи нишонланиши навоийшуносликда муҳим қадам бўлди. Юбилей натижалари чоп этилган «Алишер Навоий ҳақида мақолалар» мажмуасида Исмоил Ҳикматнинг «Навоий ва турк адабиёти», Бакир Чўбонзоданинг «Навоийнинг тили ва тилчилиги ҳақида», Мирзо Муҳсин Иброҳимийнинг «Форс адабиётининг Алишер Навоийга таъсири» ва бошқа мақолалар ўрин олган<sup>5</sup>.

1902-2019 йиллар давомида Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн», «Вақфия», «Муншаот», «Мезон ул-авзон», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» сингари асарлари, «Хамса» таркибига кирган «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр» каби дostonлари ҳамда шеърятдан айрим намуналар «Танланган шеърлар», «Танланган асарлар» номлари остида озарбайжон тилида чоп этилиб, озар халқининг маънавий мулкига айланди<sup>6</sup>.

Ҳозирда Алишер Навоийнинг «Хамса» асари Рамиз Аскер томонидан озарбайжон тилига таржима қилинмоқда. Бу ҳақдаги таржимон эътирофини 2019 йил февралда Тошкентда ўтказилган «Алишер Навоий ва XXI аср» Халқаро илмий-амалий анжуман материалларида чоп этилган «Алишер Навоий асарларининг Озарбайжонда таржима қилиниши саҳифаларининг ўрганилиши ва айрим масалалари» сарлавҳали мақоласида учратиш мумкин<sup>7</sup>.

Озарбайжон адабиётшунослигида навоийшунослик ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини сақламоқда. Озарбайжонда ҳар йили Алишер Навоий ижодига бағишлаб илмий семинар, адабий кеча ва Халқаро конференциялар ўтказиб келинмоқда. Озарбайжон Миллий Илмлар Академиясининг Низомий номидаги Адабиёт институти, З.Бунёдов номи Шарқшунослик институти, Фузулий номи қўлғезмалар институтида Навоий ижодий мероси кенг тадқиқ этилмоқда. Озарбайжон олий ўқув юртларининг тил ва адабиёт бўлимларида «Туркий халқлар адабиёти» фани орқали Алишер Навоий асарлари ёшларга пухта ўргатилмоқда.

<sup>4</sup> Nəcəfova M. Azərbaycan-özbək ədəbi əlaqələrinə dair // Azərbaycan müəllimi. – Bakı, 1964, 25 oktyabr. – S. 5.

<sup>5</sup> Əlişir Nəvai haqqında məqalələr. – Bakı: Azərbaycan Ədəbiyyatı Cəmiyyəti, 1926. – 107 s.

<sup>6</sup> Nəvai Əlişir. Mühakəmətül-lüğateyn – İki dilin mübahisəsi [Mətn]: Çağatay türkçəsindən tərcümə / Tərcümə və ön sözün müəllifi: Kamil Vəli Nərimanoğlu. – Bakı: Yurt, 1999. – 64 s.; Vəqfiyyə. – Bakı: Azərənəşr, 1926. – 55 s.; Münşəat. – Bakı: Azərənəşr, 1926. – 88 s.; Mizan ül-övzan / Tərcümə, qəydlər və şərhlər filologiya elmləri doktoru Tərən Quliyev. – Bakı: Nurlan, 2006. – 148 s.; Haləti Pəhləvan Məhəmməd / Tərcümə və ön sözün müəllifi Almaz Ülvi Binnətova. – Bakı: Avropa, 2018. – 24 s.; Fərhad və Şirin. – Bakı: Azərənəşr, 1948. – 311 s.; Yeddi səyyarə. – Bakı: Azərənəşr, 1947. – 124 s.; Yeddi səyyarə. – Bakı: Azərənəşr, 1979. – 124 s.; Seçilmiş şeirləri: müqəddimə və tərcümə Süləyman Rüstəmindir. – Bakı: Gənclik, 1975. – 96 s.; Seçilmiş əsərləri / Şərhlər, ön sözün və lüğətin müəllifi Həmid Araslı. – Bakı: Öndər, 2004. – 423 s.

<sup>7</sup> Аскер Р. Страницы изучения и некоторые вопросы перевода произведений Алишер Навои в Азербайджане // «Алишер Навоий ва XXI аср»: Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент: Навоий университети нашриёт-матбаа уйи, 2019. – Б. 200.

Алишер Навоийнинг адабий мероси XV асрдан бошлаб то ҳозирга қадар озарбайжон шоир ва олимларининг диққатини жалб этиб келмоқда. Шу сабабли Озарбайжонда йиллар давомида Алишер Навоийнинг илмий меросини ўрганиш ва дунё илм аҳлига танитиш соҳасига муҳим ҳисса қўшган Бакир Чўбонзода, Ҳамид Арасли, Қуламхусайн Алиев, Жаннат Нағиева, Нушаба Арасли, Темур Каримли, Тарлон Қулиев, Алмаз Улвий, Пошо Каримов ва бошқа олимлардан иборат навоийшунослар гуруҳи ҳамда навоийшуносликка доир муайян илмий тадқиқотлар юзага келди.

Алишер Навоий ижодининг озарбайжон адабиётига таъсири масаласи бир қатор олимлар томонидан ўрганилган бўлса-да, ҳозиргача Кишварийнинг Навоий ғазаллари таъсирида ёзган тахмис ва назиралари таҳлили, Содиқийнинг навоиёна услубда битган назиралари, Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» («Нафис мажлислар») асари таъсирида яратилган Содиқийнинг «Мажмаъ ул-хавос» («Хослар мажмуаси») тазкираси қиёсий жиҳатдан монографик тарзда тадқиқ этилмаган. Ушбу диссертация айти шу илмий муаммони яхлит ўрганишга бағишлангани билан аввалги илмий ишлардан фарқ қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтининг «Тил, маданият, таржима ва мулоқот муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Алишер Навоий ижодининг озарбайжон адабиётига таъсири ва адабий меросининг Озарбайжонда ўрганилишини очиқ бериш, Кишварийнинг Навоий ғазаллари таъсирида ёзган тахмис ва назиралари, шунингдек, Содиқийнинг Навоий услубида битган назиралари ҳамда «Мажолис ун-нафоис» таъсирида яратган «Мажмаъ ул-хавос» тазкирасини қиёслашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий асарлари таъсирида XV-XX асрларда озарбайжон адабиётида тахмис, назира, дoston ва тазкира ёзган шоирлар гуруҳини аниқлаш, таснифлаш, ҳар бир даврдаги таниқли адиблар ижодида кузатилган Навоий анъаналарини очиқ бериш;

Озарбайжонда навоийшунослик соҳасида амалга оширилган тадқиқотларни таснифлаш, Алишер Навоий асарлари қўлёмаларининг Боку нусхалари ва шоир асарларининг озарбайжон тилига табдили, таржимаси ҳамда нашри бўйича мулоҳаза юритиш;

Неъматуллоҳ Кишварий томонидан Алишер Навоий ғазаллари таъсирида ёзилган тахмислар миқдорини аниқлаш, таснифлаш ва ғоявий-бадий жиҳатдан қиёсий таҳлил қилиш;

Неъматуллоҳ Кишварий ва Содиқбек Афшор Содиқийнинг Алишер Навоий ғазалларидан илҳомланган ҳолда ёзган назиралари миқдорини аниқлаш, уларни қиёсий-типологик ва текстологик тадқиқ этиш;

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари ва унинг таъсирида озарбайжон адабиётида яратилган Содиқбек Афшор Содиқийнинг «Мажмаъ ул-хавос» тазкирасини қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил қилиш,



асарлардаги етакчи ғоя, мавзу ва мотивлар, муштарак ҳамда фарқли жиҳатларни ёритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Алишер Навоийнинг «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадоеъ ул-васат», «Фавойид ул-кибар» девонлари, «Мажолис ун-нафоис» тазкираси, Неъматуллоҳ Кишварийнинг «Асарлар» ва «Турк» девонлари, Содикбек Афшор Содиқийнинг «Шеърлар» девони, «Мажмаъ ул-хавос» тазкираси танланди<sup>8</sup>.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Алишер Навоий ижодининг озарбайжон адабиётига таъсири ва адабий меросининг ўрганилиши, Навоий услубида ёзилган Содиқий назиралари ҳамда Кишварийнинг тахмис ва назираларини Навоий ғазаллари билан қиёсий ўрганиш тамойиллари, Содиқийнинг «Мажмаъ ул-хавос» тазкирасида Навоий анъаналарини тавсиф ва тадқиқ этиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифий, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ва матн таҳлили усулларидан фойдаланилган.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Алишер Навоий адабий меросининг озарбайжон мумтоз адабиёти тарихий тараққиётига таъсири ва шаклланишидаги ўрни Кишварий, Хатойий, Фузулий, Раҳматий, Содиқий, Амоний, Зафар, Соиб, Қавсий ва бошқа озар шоирлари ижодий фаолиятини қиёсий ўрганиш орқали асосланган;

XX аср бошларидан (1902 йилдан) бугунги кунга қадар фаолият юритган озарбайжон навоийшуносларининг хизмати туфайли бир асрдан ортиқ вақт давомида Озарбайжонда Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларининг 61 нусхаси, девонларининг 37 нусхаси қиёсий жиҳатдан ўрганилганлиги, бир қатор насрий асарлари ва айрим шеърларининг озарбайжон тилидаги нашри бўйича маълумотлар далилланган;

Неъматуллоҳ Кишварий ва Содикбек Афшор Содиқийнинг озарбайжонча ғазалларини Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» куллиётидаги 2600 туркий ғазал билан ғоя, мазмун, қофия, радиф, вазн, бадий санъатлар қўлланиши ҳамда поэтик услуб маҳорати жиҳатдан таққослаш натижасида бу шоирларнинг тахмис ва назиралар ёзганлиги аниқланган;

Навоий ғазалларига жавобан ёзилган назиралар ошиқона, орифона, риндона, сўфиёна ва ижтимоий-сиёсий руҳдаги шеърлар гуруҳига таснифлаган ҳолда қиёсий жиҳатдан ўрганилиб, шоирлар ижодида мумтоз

---

<sup>8</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – 575 б.; Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Тўртинчи том. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989. – 526 б.; Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Бешинчи том. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1990. – 528 б.; Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Олтинчи том. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. – 555 б.; Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. – 284 б.; Kişvəri. Əsərləri. Tərtib edəni, şərh və lüğətin müəllifi: Cahangir Qəhrəmanov. – Bakı: Şərq-Qərb, 2004. – 176 s.; Türk divanı (Avtoqraf nüsxəsi). Tərtibat və müqəddimə: Məhəmmədəli Hüseyni. – Bakı: Nurlan, 2010. – 53 s.; Sadiq Bəy Əfşar. Şeirlər (transfoneliterasiya və fotofaksimile). Nəşrə hazırlayan: Paşa Kərimov. – Bakı: Nurlan, 2010. – 80 s.; Məcməül-Xəvas (tərcümə, müqayisəli mətn). Nəşrə hazırlayan: Əkrəm Bağırov. – Bakı: Elm, 2008. – 412 s.

адабий анъаналар тадрижи, поэтик шакл ва поэтик мазмундаги янгилашни тамойиллари очиб берилган;

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари ва унинг таъсирида озарбайжон адабиётида яратилган Содикбек Афшор Содикийнинг «Мажмаъ ул-хавос» тазкираси ўзаро қиёсланиб, ҳар икки тазкиранинг эски ўзбек адабий тилида ёзилганлиги, тузилиш жиҳатидан ўхшашлиги каби муштарак ва фарқли жиҳатлари исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий ижодининг озарбайжон адабиётига таъсири, ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари, Навоий асарлари таъсирида Озарбайжонда XV-XX асрларда ижод қилган шоирлар ва 1902-2019 йилларда навоийшунослик соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар таснифи, Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларининг Бокудаги нусхалари, шоир асарларининг озарбайжон тилига таъдрили, таржимаси ҳамда нашри масаласига доир янги илмий маълумотлардан ўзбек адабиёти тарихи, Алишер Навоий ижодининг хорижда ўрганилиши билан боғлиқ тадқиқотлар ва методик қўлланмалар яратишда қўл келиши далилланган;

Неъматуллоҳ Кишварий ва Содикбек Афшор Содикий асарларининг дунё кутубхоналари фондида сақланаётган қўлёзма нусхалари тавсифи ишлаб чиқилган ҳамда ўзбек, озарбайжон, турк ва рус олимларининг илмий қарашлари таҳлил қилинган;

Алишер Навоий ижодининг озарбайжон адабиётига таъсири тадқиқининг бугунги кун ёшлари илмий дунёқараши ва бадиий тафаккурини янада ривожлантиришга хизмат қилиши ҳамда ўзбек мумтоз адабиётида тутган ўрни очиб берилган;

Алишер Навоий ижодининг озарбайжон адабиётига таъсири, Навоий асарларидан таъсирланиш натижасида 5 тахмис ва 56 назира ёзган Неъматуллоҳ Кишварий, 21 назира ва 1 тазкира яратган Содикбек Афшор Содикий ижодиёти бўйича тўпланган материаллар, қўйилган муаммоларни тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулоса ва умумлаштирилган фикрлар ўзбек адабиёти тарихи учун муҳим илмий маълумот бериши, навоийшунослик бўйича тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот юзасидан чиқарилган хулосаларнинг ўрганилаётган давр тарихий-бадиий воқелиги ҳамда илмий кузатувнинг тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик ва матн таҳлили усуллари асосланганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, Алишер Навоий, Неъматуллоҳ Кишварий, Содикбек Афшор Содикийнинг туркий девонлари, Навоий ва Содикийнинг тазкиралари, шунингдек, илмий адабиётлар ва таржима манбаларига таянилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот материалларидан таржимашунос, тилшунос, адабиётшунос ва тарихчилар амалий ва илмий изланишларида манба сифатида фойдаланишлари мумкин. Диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар Алишер Навоий асарлари борасида олиб бориладиган тадқиқотлар учун, айниқса, хорижда Алишер Навоий ижодини ўрганиш, навоийшуносликда ўзбек ва озарбайжон

олимлари томонидан амалга оширилаётган илмий асарлар аҳамиятини белгилашда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари илмий материалларидан таржима назарияси ва амалиёти, матншунослик ва қиёсий адабиётшунослик асослари учун дастурлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда, махсус курс ва семинар машғулотларини ташкил қилишда материал ва услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Алишер Навоий ва озарбайжон адабиёти: тарихий илдизлар, анъаналар, ворисийлик бўйича олинган илмий натижалар асосида;

Алишер Навоий ижодининг озарбайжон адабиётига таъсири ва адабий меросининг ўрганилиш масалалари, Навоий услубида ёзилган Содиқий назиралари ҳамда Кишварийнинг тахмис ва назираларини Навоий ғазаллари билан қиёсий ўрганиш тамойиллари, Содиқийнинг «Мажмаъ ул-хавос» тазкирасида Навоий анъаналарини тавсиф ва талқин этиш масалаларини тадқиқ этишда олинган амалий натижалар асосида: Озарбайжонда Навоий ижодининг ўрганилиши, Навоий ғазаллари таъсирида ёзилган Содиқий назиралари, Кишварийнинг тахмис ва назиралари, «Мажмаъ ул-хавос» ва «Мажолис ун-нафоис» тазкираларининг қиёсий таҳлилига оид материаллардан Туркия Жумҳурияти Карабук Давлат университети Адабиёт факультети Турк тили ва адабиёти бўлимининг ўқув дастурларидаги «Ўзбек адабиёти», «Матн шарҳи», «Чиғатойча», «Туркий лаҳжалар муқоясаси», «Илмий тадқиқот усуллари» каби фанларни ўқитишда фойдаланилган (Туркия Республикаси Карабук Давлат университети Адабиёт факультети Турк тили ва адабиёти бўлимининг 2019 йил 3 июндаги 009/18-сон маълумотномаси). Натижада университет талабаларининг ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг озарбайжон адабиётида ўрганилиши, Навоий асарлари таъсирида озарбайжон адабиётида яратилган назира, тахмис ва тазкираларнинг бадиий аҳамияти ҳақидаги билимларининг оширилишига эришилган;

Алишер Навоий ижодининг озарбайжон адабиётига таъсири, Навоий асарларининг Боку қўлёзмалари, Навоий асарлари таъсирида озарбайжон адабиётида яратилган назира, тахмис ва тазкираларнинг бадиий аҳамияти бўйича олинган хулосалардан ОТ-Ф8-027 рақамли «Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 майдаги 89-03-2301-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши билан Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларининг Бокудаги 61 нусхаси, Алишер Навоий ижодининг озарбайжон адабиётига таъсири ва адабий меросининг ўрганилиши, Кишварий, Содиқий каби озарбайжон шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари масалаларини кенг ёритиш имконияти яратилган;

Алишер Навоий асарларининг озарбайжон адабиётига таъсири масаласининг бевосита Шарқ мумтоз сўз санъати ва комил инсон концепциясига боғлиқлиги, Навоий ижодидан бевосита таъсирланган Неъматуллоҳ Кишварий ва Содиқбек Афшор Содиқий асарларида комил

инсон концепциясининг давом эттирилгани ва ривожлантирилгани бўйича олинган хулосалардан 5.1.17 рақамли «Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 майдаги 89-03-2301-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши билан Алишер Навоий, Нетьматуллоҳ Кишварий ва Содикбек Афшор Содикий ижодидаги ғазал, тахмис, назира ва тазкирага оид матнлар орқали Шарқ мумтоз сўз санъати ва озарбайжон адабиётида комил инсон концепцияси тарихини асослаш бўйича муайян хулосалар чиқарилган;

Алишер Навоий ижодининг озарбайжон адабиётига таъсири ва адабий меросининг ўрганилиши, Навоий ғазаллари таъсирида ёзилган Содикий назиралари, Кишварийнинг тахмис ва назиралари, «Мажмаъ ул-хавос» ва «Мажолис ун-нафоис» тазкираларининг қиёсий таҳлиliga оид материаллардан Туркия Жумҳурияти Отатурк Маданият, тил ва тарих олий қўмитаси турк тили қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланган ва лойиҳа ижрочилиги профессор Меҳмет Ўзтурк, лойиҳа маслаҳатчилиги профессор Мустафа Качалин томонидан амалга оширилган «Туркий тилнинг улуғ чинори Алишер Навоий» номли видеофильмни тайёрлашда фойдаланилган (Туркия Жумҳурияти Отатурк Маданият, тил ва тарих олий қўмитаси турк тили қўмитасининг 2019 йил 13 майдаги 63434571-622.03-Е.937-сон маълумотномаси). Олинган амалий натижалар турк телетомошабинларининг ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, Алишер Навоий асарларининг озарбайжон адабиётига таъсири, таржималари, бадиияти, Нетьматуллоҳ Кишварий ва Содикбек Афшор Содикий ижодида Алишер Навоий анъаналари ҳақидаги тасавури кенгайтишига хизмат қилган;

ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари, Алишер Навоийнинг озарбайжонлик устози Низомий Ганжавийдан таъсирланиши, Кишварий, Содикий ва бошқа озар шоирларининг навоиёна услубда ижод қилишига доир материаллардан Озарбайжон миллий маданият маркази Самарқанд вилоят бўлими фаоллари билан ўтказилган «Низомий ва Навоий – туркий халқларнинг икки буюк чинори» мавзусидаги адабий кечада фойдаланилган (Республика Озарбайжон миллий маданият маркази Самарқанд вилоят бўлимининг 2019 йил 22 майдаги 20-сон маълумотномаси). Олинган амалий натижалар ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари, икки мамлакат халқлари орасидаги маданий ришталарнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси юзасидан 20 та илмий мақола чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрлар рўйхатида 8 та, шундан 7 таси тармоқ илмий журналларида, 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган

бўлиб, 167 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

«Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Алишер Навоий ижодининг озарбайжон адабиётига таъсири ва адабий меросининг ўрганилиши»** деб номланган. Боб икки фаслдан иборат.

Биринчи фасл «Алишер Навоий адабий меросининг Озарбайжонга кириб бориши» деб номланиб, унда Алишер Навоий асарлари қўлёмаларининг Озарбайжонга кириб бориши ва адабий анъаналарининг озарбайжон шоирлари ижодига таъсири каби масалалар тадқиқ этилган.

Қадимдан мавжуд бўлган ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари Алишер Навоий даврида юксак чўққига кўтарилди ҳамда Навоий ва Ҳусайн Бойқаро бошқарган Ҳирот адабий мактабида етишган Басирий, Зиёий, Хулқий, Аллоҳий, Шоҳқулибек, Сусанибек, Парипайкар каби шоирларнинг хизматлари туфайли Озарбайжонга Алишер Навоий асарлари қўлёмалари кириб борди. Навоий ижодининг озарбайжон адабиётига таъсир кўрсатишида Толеъ ал-Имоний ал-Ҳаравийнинг «Бадойеъ ул-луғат», Алойи бинни Муҳибийнинг «Ал-луғат ун-Навоият вал-истишҳодат ул-чиғатоият», Низомиддин Муҳаммад Ҳоди ал-Ҳусайний ас-Сафавийнинг «Санглоҳ» ва бошқа адибларнинг луғатлари муҳим манба вазифасини ўтади.

Озарбайжон адабиётининг «олтин даври» чиғатой адабиётининг Навоий даври билан чамбарчас боғлиқ. Бу даврда озарбайжон адабиётининг Кишварий, Содиқий, Фузулий сингари буюк шоирларини етиштириш орқали янги босқичга кўтарилишида Алишер Навоий адабий анъаналарининг таъсири катта бўлди. XV-XX асрларда Озарбайжонда Навоий асарлари таъсирида Кишварий, Хатойий, Фузулий, Раҳматий, Содиқий, Амоний, Зафар, Соиб, Қавсий ва бошқа кўплаб шоирлар ижод қилиб, тахмис, назира, достон ва тазкиралар ёзиш орқали озарбайжон мумтоз адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшишди.

Ҳозирда Озарбайжон Миллий Илмлар Академияси Муҳаммад Фузулий номли Қўлёмалар Институти фондида Алишер Навоий асарларининг 61 қўлёмма нусхаси, девонларининг 37 тўлиқ нусхаси, «Бадойиъ ул-бидоя» девонининг М-114 рақамли тарихан энг қадимий ва нодир нусхасининг сақланаётганлиги Озарбайжонда ўзбек адабиётига, айниқса, Алишер Навоий ижодиётига бўлган юксак эҳтиромнинг ёрқин натижасидир<sup>9</sup>.

<sup>9</sup> Нагиева Дж. Бакинские рукописи Алишера Навои. – Баку: Элм, 1986. – С. 3.

Биринчи бобнинг «Озарбайжонда навоийшунослик» деб номланган иккинчи фаслида озарбайжонлик навоийшуносларнинг Алишер Навоий ижодига доир тадқиқотлари тавсифи, Алишер Навоий асарларининг Озарбайжонда сақланаётган қўлёзма нусхалари, Навоий адабий мероси намуналарининг озарбайжон тилига ўгирилиши ва нашр этилишига оид илмий маълумотлар келтирилган.

Библиограф Марям Нажафованинг қайд этишича, Озарбайжонда навоийшунослик фаолияти 1902 йилда Боғчасаройда Алишер Навоий қаламига мансуб «Муҳокамат ул-луғатайн»<sup>10</sup> асарининг Исмоил Гаспиринский томонидан араб алифбосидаги озарбайжон тилида китоб ҳолида нашр этилиши натижасида юзага келди<sup>11</sup>. Шундан сўнг, 1907 йилда Алиоға Ҳасанзоданинг «Тарожуми аҳвол (машоҳир)» номли мақоласи «Дабистон» журналида, 1914 йилда Фарход Оғазоданинг «Алишер Навоий» мақоласи «Адабиёт мажмуаси»да, 1907-1916 йилларда «Тарожуми аҳвол Алишер Навоий», «Алишер Навоий» сарлавҳали мақолалар туркуми «Дирилик» журналида чоп этилди.

Озарбайжонда навоийшуносликнинг ривожланишида академик Ҳамид Араслининг ҳиссаси катта бўлди. Олимнинг «Низомий ва Навоий», «Буюк ўзбек шоири», «Навоий ва озарбайжон адабиёти», «Навоийнинг ҳаёти, Навоийнинг лирикаси, Навоийнинг «Хамса»си, Навоий ва асримиз», «Алишер Навоий», «Алишер Навоий ва ижоди», «Навоий ва Фузулий», «Буюк шоир», «Қудратли шоир, ижтимоий ходим» ва бошқа мақолалари Навоий меросининг озарбайжон адабиётшунослигида ўрганилиши соҳасида муҳим манбалардир<sup>12</sup>.

Озарбайжондаги фидойи навоийшунослардан яна бири Жаннат Нағиевадир. Озарбайжонлик олима навоийшунослик фаолиятини 1961 йилда муаллифлар гуруҳи билан биргаликда «Навоий ва Жомий асарлари қўлёзмалари тасвири»ни тузишдан бошлади. Шундан сўнг, Ж.Нағиеванинг «Навоий ижодининг Озарбайжонда ўрганилиши тарихидан», «Навоий асарларининг Озарбайжонда тарқалиши масаласига доир», «Классикларимизнинг асарлари Навоий кутубхонасида», «Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг икки қўлёзмаси», «Навоий девонларининг Боқу қўлёзмалари», «Низомий Навоийга дуойи хайр берур», «Икки кўркам шоир, икки қалам дўсти», «Навоий асарлари озарбайжон муаллифларининг коллекцияларида», «Низомий санъаткорлигининг буюк тараннумчиси», «Навоий ва озарбайжон шоирлари», «Навоий ва Фузулийнинг бир жилдда тутилган девонларининг яна бир қўлёзмаси»,

<sup>10</sup> Əmir Əlişir Nəvai. Mühakiməyi lüğəteyn [Mətn] / Nəvai Əlişir; nəşiri və ön sözü müəllifi İ.Qasprinski. – Baxçasaray, 1902 (1320 h.). – 21 s.

<sup>11</sup> Nəcəfova M. Azərbaycan-özbək ədəbi əlaqələrinə dair // Azərbaycan müəllimi. – Bakı, 1964, 25 oktyabr. – S. 4-6.

<sup>12</sup> Araslı H. Nizami və Nəvai // Ədəbiyyat qəzəti. – Bakı, 1940, 12 mart. – S. 1-3; Böyük özbək şairi (Ə.Nəvai haqqında) // Azərbaycan SSR EA Xəbərləri (Ədəbiyyat, dil və incəsənət seriyası). – Bakı, 1946. № 1. – S. 73-92; Nəvai və Azərbaycan ədəbiyyatı // Kommunist. – Bakı, 1948, 8 may. – S. 2-4; Nəvainin həyatı, Nəvainin lirikası, Nəvainin «Xəmsə»si, Nəvai və əsrimiz // Azərbaycan müəllimi. – Bakı, 1948, 31 may. – S. 4-12; Əlişir Nəvai // Pioner. – Bakı, 1948. № 5. -S. 6-7; Əlişir Nəvai və yaradıcılığı // İnqilab və mədəniyyət. – Bakı, 1948. № 5. – S. 50-63; Nəvai və Füzuli // Ədəbiyyat və incəsənət qəzəti. – Bakı, 1980, 30 may. – S. 2-4; Böyük şair // Ə.Nəvai. «Fərhad və Şirin» kitabı. – Bakı: Azərnaşr, 1968. – S. 3-11; Qüdrətli şair, ictimai xadim (Əlişir Nəvainin anadan olmasının 525 illiyi münasibəti ilə) // Kommunist. – Bakı, 1968, 25 sentyabr. – S. 1-2.

«Озарбайжон-ўзбек алоқаларининг буюк тадқиқотчиси», «Навоий меросига мухаббат билан», «Назм ул-жавоҳир», «Навоий ва Фузулий санъатига мафтунлик» сарлавҳали мақолалари, «Алишер Навоийнинг Боку қўлёмалари», «Навоий энциклопедияси луғати» (муаллифлардан бири), «Наваи и азербайджанская литература», «Озарбайжонда Навоий» каби монографиялари юзага келди. Жаннат Нағиева Алишер Навоий ҳаёти, ижоди ва озар шоирлари ижодига таъсири мавзусида озарбайжон, рус ва ўзбек тилларида 60 дан ортиқ илмий мақола ёзиб, турли китоб, тўплам, газета ва журналларда чоп эттириш орқали Озарбайжонда навоийшунослик соҳасининг тараққий этишига катта ҳисса қўшди. Мумтоз адабиётда етарлича тажриба тўплаган Жаннат Нағиева 1986 йилда 10.01.01 – Озарбайжон адабиёти ихтисослиги бўйича «Навоий ва озарбайжон адабиёти. XV-XIX асрлар» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди<sup>13</sup>.

Озарбайжонда навоийшунослик соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида Алишер Навоий асарлари қўлёмаларининг Озарбайжондаги 61 нусхаси, девонларининг 37 нусхаси қиёсий жиҳатдан ўрганилди, «Муҳокамат ул-луғатайн», «Вақфия», «Муншаот», «Мезон ул-авзон», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр» асарлари, ижодидан намуналар «Танланган шеърлар», «Танланган асарлар» номлари остида озарбайжон тилига ўгириб чоп этилди<sup>14</sup>.

Алмаз Улвий Биннатовани XXI аср Озарбайжон навоийшунослигининг забардаст тадқиқотчиларидан бири сифатида тилга олиш ўринлидир. Олиманинг «Навоий асарлари озарбайжон тилида», «Ўзбек адабиёти ва

<sup>13</sup> Nağıyeva C. /müəlliflərdən biri/ Əlyazmalar kataloqu. / Nəvai və Camə əsərlərini əlyazmalarının təsviri. I c. – Bakı: Azərbaycan EA nəşriyyatı, 1961. – 272 s.; Nəvai yaradıcılığının Azərbaycanda öyrənilməsi tarixindən // Elm və həyat. – Bakı, 1973. №12. – S. 24-25; Nəvai əsərlərinin Azərbaycanda yayılması məsələsinə dair // Dil və ədəbiyyat məsələləri. – Daşkənd, 1973. № 5. – S. 56-59; Klassiklərimizin əsərləri Nəvai kitabxanasında // Ədəbiyyat və incəsənət. – Bakı, 1976, 10 yanvar. – S. 3-4; Ə.Nəvainin «Məcalis ün-nəfais» təzkirəsinin iki əlyazması // Əlyazmalar xəzinəsində məcmuəsi. – Bakı, 1976. № 4. – S. 53-60; Nəvai divanlarının Bakı əlyazmaları // Əlyazmalar xəzinəsində məcmuəsi. – Bakı, 1979. № 5. – S. 45-55; Nizami Nəvaiyə xeyir-dua verir // Elm və həyat. – Bakı, 1979. № 2. – S. 11-12; İki görkəmli şair, iki qələm dostu (Ə.Nəvai və Ə.Cami) // Elm və həyat. – Bakı, 1981. № 8. – S. 32-33; Nəvai əsərləri azərbaycan müəlliflərinin kolleksiyalarında // Kitablار aləmində. – Bakı, 1984. № 3. – S.24-25; Nizami sənətkarlığının böyük tərənnümçüsü (rus dilində) // Azərbaycan-özbək ədəbi əlaqələri səhifələrindən. – Bakı, 1985. – S. 109-127; Nəvai və Azərbaycan şairləri // Azərbaycan SSR EA Xəbərləri (Ədəbiyyat, dil və incəsənət seriyası). – Bakı, 1985. № 1. – S. 22-26; Nəvai və Füzulinin bir cildə tutulmuş divanlarının daha bir əlyazması // Elmi-nəzəri konfrans materialları. – Bakı, 1993. – S. 48-51; Azərbaycan-özbək əlaqələrinin böyük tədqiqatçısı (H.Araslı-90) // Kitabı Dədə-Qorqud-1300. – Bakı: Örnək, 1999. – S. 394-398; Nəvai irsinə məhəbbətlə // Vətən çağırır. – Bakı, 2005, 7 oktyabr. – S. 1-2; Nəzm ül-cəvahir // Kitabı Dədə-Qorqud-1300. – Bakı: Örnək, 1999. -S. 118-120; Nəvai və Füzuli sənətinə vurğunluq // Nəbz. – Bakı, 2008, 7 iyun. – S. 2-4; Əlişir Nəvainin Bakı əlyazmaları. – Bakı: Elm, 1986. – 136 s.; Nəvai və azerbaydžanская литература. – Ташкент: Фан, 1990. – 134 с.; Azərbaycanca Nəvai. – Bakı: Tural-Ə, 2001. – 264 s.; Əlişir Nəvai və Azərbaycan ədəbiyyatı. XV-XIX əsrlər: filol. elm. dokt. diss. avtoref. – Bakı, 1986. – 51 s.

<sup>14</sup> Əmir Əlişir Nəvai. Mühakiməyi lüğəteyn [Mətn]. / Nəvai Əlişir; nəşiri və ön sözün müəllifi İ.Qasprinski. – Baxçasaray, 1902 (1320 h.). – 21 s.; Mühakəmətül-lüğəteyn – İki dilin mübahisəsi [Mətn]: Çağatay türkcəsindən tərcümə / Tərcümə və ön sözün müəllifi: Kamil Vəli Nərimanoğlu. – Bakı: Yurt, 1999. – 64 s.; Vəqfiyyə. – Bakı: Azərneşr, 1926. – 55 s.; Münşəat. – Bakı: Azərneşr, 1926. – 88 s.; Mizan ül-övzan / Tərcümə, qəydlər və şərhlər filologiya elmləri doktoru Tərlan Quliyev. – Bakı: Nurlan, 2006. – 148 s.; Haləti Pəhləvan Məhəmməd / Tərcümə və ön sözün müəllifi Almaz Ülvi Binnətova. – Bakı: Avropa, 2018. – 24 s.; Fərhad və Şirin. – Bakı: Azərneşr, 1948. – 311 s.; Fərhad və Şirin. – Bakı: Azərneşr, 1968. – 311 s.; Yeddi səyyarə. – Bakı: Azərneşr, 1947. – 124 s.; Yeddi səyyarə. – Bakı: Azərneşr, 1979. – 124 s.; Seçilmiş şeirləri: müqəddimə və tərcümə Süləyman Rüstəmindir. – Bakı: Gənclik, 1975. – 96 s.; Seçilmiş əsərləri / Şərhlər, ön sözün və lüğətin müəllifi Həmid Araslı. – Bakı: Öndər, 2004. – 423 s.

адабиётшунослигида Низомий, Насимий ва Фузулий меросининг ўрганилиши», «Навоийнинг адабий шахсияти», «Чигатой адабиёти. Доҳий Навоий», «Навоийшунос олим Жаннат Нағиева», «Адабий уфқларда озарбайжон-ўзбек (чигатой) алоқалари», «Алишер Навоий», «Инжуга айланган олим», «Навоий мероси ва Озарбайжон», «Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асари озарбайжон тилида», «Доҳий Навоий ва озарбайжон адабиётшунослиги», «Навоий сеҳрида инжуга айланган олим», «Доҳий Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига оид чизгилар», «Навоий ва Фузулий девонлари бир жилдда» каби мақолалари; «Озарбайжон-ўзбек адабий алоқалари», «Ўзбек адабиёти» китоби туфайли Алишер Навоий ижодининг аҳамияти Озарбайжонда кенг тарғиб этилди, озар халқи ўзбек шоирининг адабий мероси билан яқиндан танишди, ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари янада мустаҳкамланди<sup>15</sup>.

Диссертациянинг иккинчи боби «Алишер Навоий ғазалларининг Неъматуллоҳ Кишварий ижодига таъсири» деб номланган бўлиб, икки фаслдан иборат.

Ушбу бобнинг «Неъматуллоҳ Кишварийнинг Алишер Навоий ғазаллари таъсирида ёзган тахмислари тадқиқи» деб номланган биринчи фаслида Кишварий томонидан Навоийнинг «бўлдум санга», «бор», «бўлмасун», «топмадим», «беш эмас» радибли ғазаллари таъсирида ёзилган беш тахмиси аниқланиб, таснифланди ва ғоявий-бадий жиҳатдан қиёсий таҳлил қилинди.

Кишварий «Асарлар» девонининг «Тахмислар» бўлими Навоийнинг «Ғаройиб ус-сиғар» девонидан ўрин олган «бўлдум санга»<sup>16</sup> радибли ғазалига боғланган «boldum sana»<sup>17</sup> радибли тахмис билан бошланади.

Навоийнинг рамали мусаммани маҳзүф, яъни фоилотун – фоилотун – фоилотун – фоилун вазнида ёзилган «бўлдум санга» радибли ғазали мажозий ишқ мавзусида бўлиб, ошиқ ва маъшуқа орасидаги айтишувга асосланган. Содда йигит соҳибжамол қизни бир кўришдаёқ ошиқи беқарорга айланиб, унинг ҳуснига зор ва ишқ дардига мубтало бўлади. Бепарво ёр эса, ноз-фироқ

<sup>15</sup> Ülvi A. Nəvainin əsərləri Azərbaycan dilində // Filologiya məsələləri (AMEA Füzuli adına Əlyazmalar İnstitutu) . – Bakı, 2007. № 5. – S. 94-105; Özbək ədəbiyyatı və ədəbiyyatşünaslığında Nizami, Nəsimi və Füzuli ənənələri // Dil və ədəbiyyat. – Bakı, 2007. № 5. – S. 108-111; Nəvainin ədəbi şəxsiyyəti // AMEA Şərqsünaslıq İnstitutu Beynəlxalq elmi konfrans: Yaxın və Şərq dünən: dünəni, bu günü və sabahı. – Bakı, 2007, 24-25 oktyabr. – S. 8-16; Cığatay ədəbiyyatı. Dahi Nəvai // Azərbaycan. – Bakı, 2007, 7 fevral. –S. 2-4; Nəvaişünas alim Cənnət Nağıyeva // Respublika. – Bakı, 2007, 19 may. – S. 4-5; Ədəbi üfüqlərdə Azərbaycan-özbək (cığatay) əlaqələri // Filologiya məsələləri. – Bakı, 2008. № 8. – S. 356-362; Əlişir Nəvai // Ədəbi duyğularım (portretlər, düşüncələr, qeydlər, söhbətlər). II kitab. – Bakı: Nurlan, 2008. – S. 136-145; İnciyə dönən alim // Kaspi. – Bakı, 2007, 3 aprel. – S. 3-4; Nəvai irsi və Azərbaycan // Xalq qəzeti. – Bakı, 2008, 11 sentyabr. – S. 2-3; Nəvainin «Mizan ül-övzan» əsəri Azərbaycan dilində // Xalq qəzeti. – Bakı, 2007, 10 fevral. – S. 3-4; Dahi Nəvai və Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığı // Filologiya məsələləri. – Bakı, 2007. № 6. – S. 427-436; Nəvai sehrində inciyə dönən alim // Kaspi. – Bakı, 2007, 3 aprel. – S. 2-3; Dahi Əlişir Nəvainin həyat və yaradıcılığına aid cizgilər // YOM (Türk dünyası kultür dergisi) . – Türkiyə, 2010. – S. 49-55; Nəvai və Füzulinin divanları bir cildə // Türkmənistanın ulymlər Akademiyası Milli Golyazmalar İnstitutu «Golyazmalar – milli miradı öwrenmegin ilkinçi çeşmesi» adly halklara ylmy maslahaty. – Aşgabat, 2013, 13-14-mart. – S. 232-238; Azərbaycan-özbək (cığatay) ədəbi əlaqələri (düvrlər, simalar, janrlar, təmayüllər). – Bakı: Qartal, 2008. – 326 s.; Özbək ədəbiyyatı (ədəbi portret cizgiləri, araşdırmalar, müsahibələr, yol qeydləri). – Bakı: Elm və təhsil, 2016. – 316 s.

<sup>16</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 35-36.

<sup>17</sup> Kişvəri. Əsərləri. Tərtib edən, şərh və lüğətin müəllifi: Cahangir Qəhrəmanov. – Bakı: Şərq-Qərb, 2004. – S. 150-151.



ўтида куйдириб, бечора ошиқни қийнайди. Маъшуқасининг висолидан бебахра ошиқ айрилиққа чидолмай аламини ёрга ошно бўлган кунидан олиб (ташхис санъати), уни балоларга тўла кунга қиёслайди.

Алишер Навоий:

Kўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга,  
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санга<sup>18</sup>.

Кишварий Навоийнинг юқорида номи тилга олинган ғазалининг ҳар бир байтига жавобан айни вазн ва радифда беназир тахмис ёзган. Озар шоирининг мухаммас боғланаётган ғазалга қўшган мисралари байт олдидан келтирилиши жиҳатидан унда ифодаланган фикрни тушунишга замин яратиб, уни шарҳлаб, изоҳлаб, ривожлантириб, тўлдириб келган. Озарбайжон шоири талқинидаги лирик қаҳрамон наздида маъшуқа гўё гўзалларнинг подшоҳига, ошиқ эса унга жонини қурбон ва ўзини фидо қилувчи гадога тенгдир. Озар ошиғи севгилисига шу қадар содиқ ва фидокорки, ҳатто ишқнинг домани (истиора санъати), яъни этагини тутиб, ёрининг хокипойи бўлишга ҳам тайёр.

Неъматуллоҳ Кишварий:

Ey gözəllər padişahi, ta gəda boldum sana,  
Can sana qurban bolub, mən həm fəda boldum sana,  
Dəməni-eşqini dutub, xaki-ya boldum sana,  
«Görgali hüsnünü zarü mübtəla boldum sana,  
Nə bəlalığ gün idi kim, aşina boldum sana»<sup>19</sup>.

Неъматуллоҳ Кишварий Алишер Навоийнинг «бўлдум санга», «бор», «бўлмасун» радифли ишқий, «топмадим» радифли ижтимоий-сиёсий, «беш эмас» радифли панд-насихат руҳидаги танланган ғазалларига айни радиф, қофия, мазмун ва ғояни қўллаган ҳолда тахмислар ёзиш орқали озарбайжон мумтоз адабиёти тараққиётига муносиб хисса қўшди. Шунингдек, озарбайжон шоири навоиёна услубда ашъор битишини исботлаш билан бирга, Навоий даҳосига нисбатан юксак эҳтиромини қаламидан яралган ҳар мисрада илгари сурди.

Мазкур бобнинг «Алишер Навоий ғазалларига Неъматуллоҳ Кишварий назиралари» деб номланган иккинчи фаслида Алишер Навоий ғазаллари таъсирида Кишварий томонидан ёзилган 56 назира аниқланиб, таснифланди ва ғоявий-бадий жиҳатдан қиёсий таҳлил қилинди.

Неъматуллоҳ Кишварий Алишер Навоий ижоди таъсири остида бадий сўзнинг ажойиб намуналарини яратди. Кишварийнинг «Асарлар»<sup>20</sup> девонидаги 264 та ғазал ва «Турк»<sup>21</sup> девонидаги 37 та ғазалнинг матлаъ байтларини Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» куллиётидаги 2600 ғазал билан ўзаро қиёслаганимизда, Кишварийнинг Навоий ижодидан илҳомланган ҳолда жами 56 та назира ёзганлиги маълум бўлди. Навоий ғазаллари ва Кишварий назиралари матлаъларининг қиёсий жадвали

<sup>18</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 35.

<sup>19</sup> Kişvəri. Əsərləri. Tərtib edəni, şərh və lügətin müəllifi: Cahangir Qəhrəmanov. – Bakı: Şərq-Qərb, 2004. – S. 150.

<sup>20</sup> Kişvəri. Əsərləri. Tərtib edəni, şərh və lügətin müəllifi: Cahangir Qəhrəmanov. – Bakı: Şərq-Qərb, 2004. – 176 s.

<sup>21</sup> Kişvəri. Türk divanı (Avtoqraf nüsxəsi). Tərtibat və müqəddimə: Məhəmmədəli Hüseyni. – Bakı: Nurlan, 2010. – 53 s.

диссертациянинг 2-илоvasида келтирилган. Ушбу ғазаллар ошиқона (15 та), орифона (14 та), риндона (16 та), сўфиёна (9 та) ва ижтимоий-сиёсий (2 та) рухдаги назираларга ажратилган ҳолда қиёсий ўрганилди.

Неъматуллоҳ Кишварийнинг назира ғазаллари, асосан, ошиқона рухда ёзилган байтлар асосида шаклланган. Кузатувларимиз натижасига кўра, Кишварийнинг Навоий ғазалларига жавобан битилган 56 назирасидан 15 таси ошиқона мазмунда ёзилганлиги маълум бўлди. Кишварий ўзбек салафи Навоий ғазалларига назира боғлаш чоғида айрим ғазалларнинг қофиясини, айримларининг радифини ва ҳатто баъзиларининг вазнини ҳам ўзгартирган бўлса-да, аммо навоиёна рух, анъана, услуб ҳамда ғояни сақлашга уринган. Жумладан, Кишварий Навоийнинг «Шаҳр бир ой фурқатидин байтул-аҳзандур манга» мисраси билан бошланувчи ғазалига жавоб шеър ёзганида, матлаъдаги радифни айнан келтириб, қофия ўрнида янги оҳангдош сўзларни қўллаган.

Алишер Навоий ғазали матлаъси ҳасбу ҳол, яъни ошиқнинг ёр ҳижронидан шикоят тасвири билан бошланади. Шоир ёрини шунчалик қаттиқ севадики, усиз ҳатто бутун шаҳар ошиққа ғамхонадек туюлади.

Алишер Навоий:

Шаҳр бир ой фурқатидин байтул-аҳзандур манга,  
Бир гули раъно ғамидин боғ зиндондур манга<sup>22</sup>.

Илк мисрада Навоий ажойиб санъатпардозликни намоён этади. «Шаҳр» сўзи шаҳар ва ой (календарь ҳисобидаги 28-29 кун) маъноларини билдиради. Шоир шу тариқа ийҳом қилади: шаҳар бир ой давомида бир Ой (ой юзли маъшуқа) фурқатидан мен учун ҳазин уй кабидир. Гарчи жафокор маъшуқа ғам саҳросида сарсари кезаётган мажнун учун сўлим боғни қоронғи ва зах зиндонга айлантурса-да, у барибир, ошиқ наздида «гули раъно»лигича қолаверади.

Мазкур байтда истиора (ой, гули раъно), ташбих (байт ул-аҳзан, зиндон), сифатлаш (бир), таносуб (ғам, фурқат, байт ул-аҳзан) ва тазод (боғ – зиндон; шаҳр – байт ул-аҳзан) сингари шеърини санъатлар қўлланилган. Шу ўринда шоир поэтик маҳоратига оид нозик бир жиҳатни таъкидлаш жоизки, у ўзаро қарама-қарши бўлган тушунчаларни бир-бирига ўхшатиб, тазод санъати (боғ – зиндон; шаҳр – байт ул-аҳзан)ни усталик билан ташбих санъати (боғ = зиндон; шаҳр = байт ул-аҳзан)га айлантирган.

Неъматуллоҳ Кишварий назираси озурда ошиқ ноласи билан бошланади. Ёри ёнида бўлмаса, лирик қаҳрамоннинг хотири гўё маъшуқасининг зулфи сингари паришон бўлиб кетади, яъни ҳижрон азобида қолганида ошиқ гўё телбага айланади. Бироқ маҳбубасининг мунаввар жамолини кўришга сазовор бўлганида, олам ошиқ учун яна гулистонга айланади. Кимсасиз саҳро ўрнини турфа хил гулларга тўла боғ эгаллайди.

Неъматуллоҳ Кишварий:

Nejə kim, zülfin kimi xatir pərişandır mana,  
Yüzini görsəm yenə aləm gülüstandır mana<sup>23</sup>.

<sup>22</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 34.

